O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 29 октябрь, № 210 (4620) Чоршанба

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фаолларининг 2008 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда Оролбўйида иқтисодиётни изчил ривожлантириш борасидаги имкониятлардан самарали фойдаланилаётгани қайд этилди. Натижада Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 11,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 16,1, хизмат кўрсатиш 24,4, экспорт ҳажми 30,8 фоиз ўсди.

Ўтган даврда 11 та касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей, олтита умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. 59 та мактабда капитал реконструкция, 40 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Халқаро ва давлат аҳамиятига молик 50 километрлик автомобиль йўли қурилди, 111 километрдан зиёд ичимлик суви, 51 километрдан ортиқ табиий газ қувурлари ётқизилди.

Мажлисда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бажарилиши юзасидан эришилган натижалар қайд этилди. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда ютуқлар билан бирга қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳам қайд этилди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режалар Беруний ва Тўрткўл туманларида бажарилмади. Қанликўл, Қораўзак, Мўйноқ, Тўрткўл, Чимбой ва Шуманай туманларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар талабга жавоб бермайди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари жамғариш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борада тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов сўзга чиқди.

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2008 йил тўққиз ойи якунларига доир масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, ўтган тўққиз ой мобайнида пойтахтда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 17,8 фоизни ташкил этди. Бундай кўрсаткич саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 40,2 фоиз, истеъмол товарлари 28,1 фоиз, хизматлар 24,5 фоиз, экспорт ҳажми эса 33 фоиз ўсиши ҳисобидан таъминланди.

Давлат дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ва даромадлари ортиб бормоқда. Ўтган вақт мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқларида қарийб эллик уч мингта янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожлантириш таъминланмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларга имтиёзли ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Айни пайтда Ёшлар ижод саройи, спорт мажмуалари, оилавий поликлиникалар, тиббий диспансерлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам чуқур таҳлил этилди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортганига қарамай, баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми камайтириб юборилган. Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг сони ўтган йилдагига нисбатан камайган бўлса-да, зарар кўриб ишлаши юқорилигича қолмоқда.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Наманган

Наманган вилояти фаоллари йиғилиши Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.

Вилоят ҳокими И. Нажмиддинов бошқарган йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида муайян натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,6 фоизга кўпайди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18,5, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 19,7 фоиз ўсди. Чакана савдо айланмаси 14,7, пуллик хизматлар ҳажми 23,9 фоиз ошди. Реал иқтисодиётга барча манбалардан жалб этилган инвестициялар ҳажми 218,6 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 14,3 миллион долларни ташкил этди.

Йиғилишда айрим саноат корхоналарида мавжуд имконият ва қувватлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, Поп ва Янгиқўрғон туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетишига йўл қўйилгани танқид қилинди. Шунингдек, ҳозирги кунда фаолият кўрсатмаётган «Намбум», «Атлас», «Косонсойтекстиль»,

(Давоми 2-бетда).

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ БИЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликлари боис бугун минглаб ўзбек фарзандлари муҳташам таълим масканларида, хориждагидан асло қолишмайдиган олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Интилиш

Таълим тизимидаги изчил ислоҳотлар туб мазмун-моҳияти билан йигит-қизларнинг юрт равнақи учун жонкуяр ва фидойи мутахассислар бўлиб етишишларига қаратилган. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатларда акс этган вазифалар ҳам баайни ёшларимизнинг келажаги фаровон бўлишига хизмат қилаётир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Диёра Салимова (суратда ўртада) жорий йилнинг 14-20 июлида Испания пойтахти Мадридда бўлиб ўтган 49-халқаро ёш математиклар олимпиадасида бронза медалига эришган фарзандларимиздан биридир. Диёранинг ютуғи ҳозирги кунда 1170 ўқувчи таълим олаётган ана шу лицейда ва умуман, мамлакатимизда таълим ва тарбия сифатига қўйилган юқори талаб, юксак эътибор ва ғамхўрликнинг натижасидир.

— Вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтидорли тенгдошларим ниҳоятда кўп, — дейди Д. Салимова. — Бу бежиз эмас. Негаки, ўқув даргоҳларимизда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Ўқув адабиётларимиз етарли, турли тўгараклар ишлаб турибди. Ана шундай тўгаракларга қатнашиб, кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан тез-тез кўришиб, турли мавзуларда фикрлашамиз. Менинг ютуғим ўртоқларимни ҳам руҳлантириб юборди. Айниқса, устозларимнинг қувончи чексиз. Уларнинг меҳри, қўллаб-қувватлашлари туфайли муваффақиятларга эришаяпмиз. Шундай экан, мустаҳкам билим олиб, ўқиш ва изланишдан тўхтамасак, ота-онамиз, устозларимиз ишончини оқлаган бўламиз.

Бахтиёр АКРОМОВ олган сурат.

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ БОЛАЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда "Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари" мавзуида икки кунлик халқаро форум иш бошлади. Тадбир республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда республикамиздаги давлат ва жамоат тузилмалари раҳбарлари, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган юртимиз ҳамда хорижий мамлакатлар мутахассислари иштирок этмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ва ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган бошқа дастурлар доирасида ташкил этилган ушбу форумни ўтказишдан мақсад — ижтимоий ёшлар сиёсатининг замонавий йўналишлари, болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш шаклларини муҳокама этиш, уларни такомиллаштириш ҳамда ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Инклюзив таълимни ривожлантириш даражаси ҳар қандай жамиятда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос мезони ҳисобланади, деди анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, «Sen yolg`iz emassan» жамғармасининг васийлик кенгаши раиси Лола Каримова. Мамлакатимизда болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми яратилган, тегишли қонунчилик базаси шакллантирилган. Айниқса, имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, жумладан, инклюзив таълим бўйича қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу вазифанинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли мамлакатимизда болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган тизим шакллантирилган бўлиб, у аҳолининг ушбу қисмининг барча тоифаларини қамраб олган. Бу борадаги чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Халқаро нормалар ҳисобга олинган ҳолда, мунтазам такомиллаштириб борилаётган қонунчилик базаси ушбу фаолият асосини ташкил этади. Ўзбекистон 1992 йилдаёқ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган эди. Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларни, жумладан, уларга сифатли таълим бериш ва керакли касб-ҳунар ўргатиш орқали жамият ҳаётига фаол қўшилишини таъминлашга ёрдам берадиган услублар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш

(Давоми 2-бетда).

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Тошкент шаҳрида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштиришга бағишланган янги лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Европа Иттифоқи Комиссияси ва БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда тегишли давлат тузилмалари, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, элчихоналар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Тиббиёт

Унда оналик ва болаликни тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оилалар мустаҳкамлигига эришиш ва фаровонлигини ошириш ҳуқуматимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар изчил ижро этилаётгани туфайли оналар ва болалар соғлиғи янада мустаҳкамланиб, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга эришилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда болалар

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда "Одам савдосига қарши курашиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

одам савдосига қарши курашишнинг самарали йўли

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унинг қурбонларига ҳар томонлама ёрдам бериш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда, албатта, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатларнинг амалий ижроси сифатида бугун Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси тузилди ва миллий ҳаракатлар режаси изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Тадбир

Семинар-тренингда сўзга чиққанлар мазкур муаммонинг нақадар чуқур илдиз отганлиги, хусусан, бу тузоқ тўрига асосан ёшлар, аёллар тушиб қолаётганини таассуф билан тилга олишди. Одам савдоси масаласини ҳал этиш, унинг салбий оқибатларини камайтиришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки бу жамоат

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 йил 1 майда имзолаган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, жойларда турли учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – ҲИМОЯДА

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган тадбир "Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари" мавзуига бағишланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган мазкур семинарда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинаётган ҳужжатлар, бу борадаги асосий демократик тамойилларни ўзида мужассам этган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги кенг кўламли ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ярашув институтини жорий этиш, ўлим жазосини бекор қилиш сингари муҳим чора-тадбирлар инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ. Ҳалимов ва бошқалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг самаралари хусусида тўхталдилар.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Истеъмол товарлари ҳажми ортмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2008 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши **18,4** фоизни ташкил қилди.

Ўтган даврда республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш юзасидан кўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида соҳада шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ БОЛАЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида» ва «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида» каби қатор қонунлар қабул қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров, соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев, адлия вазири Р.Муҳиддинов ва бошқа иштирокчилар буларнинг барчаси мамлакатимизда болалар ҳамда ёшларга доир ижтимоий сиёсат такомиллашиб бораётганидан далолат беришини таъкидладилар.

Ўзбекистонда болалик муаммоларига бағишланган бундай халқаро анжуманларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланган бўлиб, бу давлат ва жамиятнинг ушбу муҳим масалага доимий эътибор қаратаётганини кўрсатади, деди ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф. Ушбу форумларда қабул қилинган тавсиялар амалга оширилмоқда ва мамлакатда ўсиб келаётган ёш авлодни самарали қўллаб-қувватлаш бўйича мустаҳкамланиб бораётган механизмнинг узвий қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмоқда. Бу борадаги ишларга яхши шаклланган таълим тизими ва ноёб ижтимоий институт — маҳалла фаолияти ҳам ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда дунёда имконияти чекланган одамларнинг 90 фоиздан ортиғи таълимдан фойдаланиш имконига эга эмас, деди тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анна Паолини. Болаларга тааллуқли ушбу муаммони ҳал этиш Мингйиллик ривожланиш мақсадларига киритилган ва бунга эришиш ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда бу масалага катта аҳамият берилмоқда ва унинг натижалари яққол кўзга ташланмоқда.

Форумда давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва халқаро ташкилотларнинг фаол ҳамкорлиги болаларга доир ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқариш самарадорлигининг муҳим шарти экани алоҳида таъкидланди. Бундай тадбирларнинг 2004 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу форумлар доирасида мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш аҳволи ўрганилмоқда, бу борадаги долзарб вазифалар белгиланиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Муҳими, бу тадбирлар инновацион хусусиятга эга. Ўтказилган тадбирларда ота-она қаровисиз қолган болаларни имкон қадар «Болалар уйлари»га топширмасдан, оилаларда тарбиялаш йўлларини такомиллаштириш, иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва ҳар томонлама ривожланишига эришиш, «ижтимоий соҳа ходими» касбининг мавқеини ошириш каби бир қатор масалалар муҳокама этилди. Анжуманда мамлакатимизда ижтимоий муассасалар тарбияланувчиларини социал ва руҳий-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг инновация шакллари жорий этилгани, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган болалар ва ногиронлар бўйича идоралараро маълумотлар базаси яратилгани, ҳимояга муҳтож болаларга бевосита хизмат кўрсатиш бўйича ахборот-консалтинг хизматлари ташкил этилгани, олий ўқув юртларида ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш бўлимлари очилгани, айниқса, ушбу йўналишдаги ишлар давом этиши ва кенгайтирилиши таъкидланди.

— Ўзбекистонда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида катта тажриба тўпланган, — деди Тиссайд университети Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш мактаби профессори Терри Мёрфи (Буюк Британия). — Бу тажрибани ўрганиш лозим ва унинг кўп жиҳатлари, биринчи навбатда, давлат ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Форум давомида «Замонавий ижтимоий сиёсат ва ижтимоий фаолият амалиёти нуқтаи назаридан инклюзив таълим: ривожланиш услублари ва истиқболлари», «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий таъминлаш йўллари ва механизмлари», «Ижтимоий ва ҳуқуқий хавф гуруҳига кирадиган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш» мавзуларида секциялар бўйича йиғилишлар ҳам бўлиб ўтади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

Пойтахтимизда 28 октябрь куни "Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари" мавзуида халқаро форум бошланди. Унда қатор халқаро ташкилотлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассис ва экспертлар иштирок этмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Анна ПАОЛИНИ, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари:

— Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, бу йўналишдаги таълим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини юксалтириш, янги дарсликлар, ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш, педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор қонунлар қабул қилинган. Буларнинг барчаси юртингизда ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялашга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг амалий самараларидир.

Мазкур халқаро анжуман соҳа мутахассислари, олимлар билан мулоқотда бўлиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда. Форум келгусида инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шима Баркин КУЗЬМИН, ЮНИСЕФнинг "Болалар ҳимояси" дастури мутахассиси:

— Инклюзив таълим — ногиронлик ёки бошқа сабаблар туфайли ёрдамга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирлар учун индивидуаллашган ёрдам тизими. У умумий таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жисмоний имконияти чекланган инсонлар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши учун уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳаётга интилишларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш ва жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашига қўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур халқаро анжуман соҳада аниқ ва мақсадли ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Терри МЁРФИ, Буюк Британиянинг Тиссайд университети вакили:

— Ўзбекистонда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, замонавий технологиялар сир-синоатини чуқур ўргатиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Бу борада юртингизда жамоат тузилмалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилингани ҳам мамлакатингизда ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

ЎзА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУҲИМИ — ХАЛҚ ИШОНЧИ

Наманган вилоятидаги ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳаётида ўта масъулиятли давр бошланди. Саноқли кунлардан кейин фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб инсонларни сайлаймиз.

Энг аввало, ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич бўғини бўлган маҳалла халқимизга хос меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, инсонпарварлик сингари азалий анъана ва қадриятларимизнинг ўчоғи сифатида ўзини намоён қилаётганини айтиш лозим. Албатта, ушбу тузилманинг самарадорлиги унга етакчилик қиладиган раис (оқсоқол)нинг билим даражаси, ташкилотчилиги ва одамлар билан ишлаш қобилиятига бевосита боғлиқ.

Вилоятдаги сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар самарали фаолият кўрсатишлари учун алоҳида бино, алоқа ва транспорт воситалари билан тўла таъминланди. Шунингдек, режа асосида ўтказиб келинаётган семинарларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этиш, номзодларни танлашда уларнинг ишчанлик, ташкилотчилик қобилиятлари, кўпчилик ўртасида обрў-эътиборга, ишончга эга бўлган, жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни теран ҳис этадиган ва бошқа фазилатлари билан ҳаммага намуна бўладиган кишиларни танлаб олиш энг асосий вазифа экани айтилмоқда. Шу кунларда мазкур талаблар асосида номзодларни танлаш ва комиссияларга тавсия этиш ишлари қизғин бораётир.

Олимжон НУРИДДИНОВ.

СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига Қорақалпоғистон Республикасида ҳам муносиб ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу жараёнда режа асосида ўтказиб келинаётган семинар-кенгашларнинг аҳамияти катта бўлаётганини айтиб ўтиш ўринли бўлар.

Яқинда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан сиёсий тадбирга ҳозирликнинг боришига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими олдида турган муҳим вазифалар, сайловга тайёргарлик, унинг аҳамияти ва аҳоли орасида тушунтириш ишларининг бориши хусусида атрофлича сўз юритилди.

Айни пайтда Хоразм вилоятида ўтказилган семинар-кенгаш биз учун ниҳоятда фойдали бўлганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу тадбирда биз ҳам иштирок этиб, хоразмликлар билан ўзаро тажриба алмашдик. Анжуманда иштирокчиларга сайловни муваффақиятли ўтказишга доир кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Нураддин АЙИТОВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 30 сентябрдаги қарорига кўра, шу йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига сайлов ўтказиш белгиланган барчамизга маълум. Айни пайтда ушбу тадбирга Самарқанд вилоятида қизғин тайёргарлик кўрилаяпти.

МАСЪУЛИЯТЛИ ТАДБИР

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия қизғин фаолият юритмоқда.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеи тобора ошиб бормоқда. Вилоятда айни пайтда 13 та шаҳарча, 125 та қишлоқ ва 1072 та маҳалла йиғини фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг аксарияти ўзини ўзи бошқарувнинг намунали қуйи бўғинига айланган.

Бу эса, табиийки, сайланадиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг одоби, ахлоқи, ташкилотчилиги рисоладагидек бўлишини талаб этади.

Айни пайтда жойларда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори ижросини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Албатта, сайловнинг демократик, ошкоралик, холислик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтишини таъминлаш энг асосий вазифамиздир.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ёки унинг вакили сайловларда фаол қатнашиши, ўзининг фуқаролик бурчини сидқидилдан адо этиши лозим. Бунинг учун сайловга кўмаклашувчи комиссиялар аъзолари аҳоли орасида ушбу тадбирнинг аҳамияти, ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кенг тарғибот-тушунтириш ишлари олиб боришлари, аҳолини сайловга кенг жалб этишга эришишлари муҳим.

Шавкат ЖОНИҚУЛОВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Самарқанд вилояти комиссияси аъзоси.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД

(Давоми. Боши 1-бетда).

туғилишига кўмаклашувчи скрининг марказларининг кенг тармоғи вужудга келди. Мамлакатимиздаги мавжуд туғруқхоналар тўлиқ қайтадан таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Шу ўринда диққатга сазовор бўлган бир воқеани айтиб ўтиш жоиз. Ўтган йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Европа минтақасидаги мавжуд 53 та мамлакат ичида фақатгина 4 та давлат, жумладан, Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели юқори баҳоланиб, қолган давлатлар учун минтақавий модель сифатида эътироф этилди.

Табиийки, бу холис эътироф юртимизда тиббиёт, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юқори босқичга кўтарилганидан, хизматнинг замонавий, ишончли ва кафолатли эканлигидан далолат.

Ана шу халқаро миқёсда эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган янги лойиҳа доирасида эса жойлардаги бир қатор тренинг марказлари таъмирланади, янгилари барпо этилади. Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбар ва мутахассислари малакаси оширилади. Мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари ўқув дастурларига болалар саломатлигини муҳофазалаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган янги қўлланмалар киритилади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Андижон ва Навоий вилоятларини қамраб олувчи ушбу лойиҳа 2010 йилга қадар давом этади.

Тадбирда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Х. Перне, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М. Шариф болалар ва оналар манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилган бундай чора-тадбирлар Ўзбекистонда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифага айланганлигининг далили эканлигини таъкидладилар.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Косонсой-Текмен», «Янгиқўрғон мева ва узум», «Янис ЖВ» корхоналарини потенциал инвесторларга сотиш ва ишлаб чиқаришни тиклаш борасида ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Наманган вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

Сурхондарё

Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларнинг 2008 йилнинг тўққиз ойида бажарилиши ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича келгусидаги вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишни Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев бошқарди.

Ўтган даврда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,7 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш саноатда 15,6, хизмат кўрсатиш соҳасида 6,6, қурилишда 18,1 фоизни ташкил этди.

Вилоятда ўтган давр мобайнида 160 миллион 350 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Умумий экспорт ҳажмининг 13,5 фоизи воҳада фаолият юритаётган 44 та қўшма корхона ҳиссасига тўғри келади. Бойсун инвестиция блокида нефть-газ қидирув ишлари, Термиз шаҳридаги «Шингдонг-Спиннинг Термиз» тўқимачилик комбинатида хориж ускуналарини ўрнатиш давом эттирилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида 1 минг 449 ёш оилага имтиёзли ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди.

Йиғилишда йилнинг ўтган даврида кимё, қурилиш ва полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди. Бандихон, Қизириқ, Термиз туманларида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси жалб этилмади. Бойсун туманида умуман маҳсулот экспорт қилинмади. Шунингдек, туризмни ривожлантириш, сайёҳлик хизмати кўрсатишда ҳам мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш, кузги шудгор ва дон экишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Бу борада мутасадди раҳбарлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Хонов сўзга чиқди.

Қашқадарё

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилиши жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари муҳокамасига бағишланди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижроси атрофлича таҳлил қилинди. Йиғилишни Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев бошқарди.

Ўтган тўққиз ойда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,3 фоизга кўпайди, ишлаб чиқариш саноатда 19,1, қишлоқ хўжалигида 5,9, халқ истеъмоли моллари бўйича 18,2 фоизга ўсиши таъминланди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ўз самарасини бераётир. Вилоятдаги 53 саноат корхонасига 163 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилиниб, замонавий технологиялар ўрнатилди. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Яккабоғ Хумо Текс» ва «Севаз Андроникс» масъулияти чекланган жамиятлари, «Темур ЧИН», «Автотракторрадиатор» ҳамда «Адас инвест» қўшма корхоналари ишга туширилди. Қўшма корхоналарнинг вилоят экспортидаги улуши 45,5 фоизни ташкил этиб, улар томонидан 350,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳисобот даврида озиқ-овқат саноатида 107 янги кичик корхона ташкил этилди. Қурилиш материаллари саноатига 3,2 миллиард сўмлик инвестиция киритиш эвазига кичик корхоналар сони 105 тага етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини кўз-кўз мавсумига тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят бўйича рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларининг 7,1 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Бу ҳолат Қарши, Шаҳрисабз ва Муборак туманларида, Қарши шаҳрида, айниқса, қониқарсиз. Чироқчи туманида аҳолини иш билан таъминлаш, касаначилик асосида янги иш жойлари яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича Қамаши, Шаҳрисабз, Қарши, Китоб ва Деҳқонобод туманларида камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Фаоллар йиғилишида ушбу камчиликларни бартараф этиш ва ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қашқадарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

одам савдосига қарши курашишнинг самарали йўли

(Давоми. Боши 1-бетда).

ташкилотлари ва давлат муассасаларининг мазкур жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини самарали ташкиллаштиришга кўмаклашади. Жумладан, ишонч телефонлари, психологик ёрдам ва бошқа реабилитация тадбирларини кўрсатиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшади.

Шу боис тадбир иштирокчилари одам савдосининг тарихи, бугунги кундаги ҳолати билан батафсил таништирилиб, ҳуқуқшунослар томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий тамойиллари, жумладан, бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар қонунга асосан олиб борилиши, жазонинг муқаррарлиги ва жабрланганларга ёрдам кўрсатилиши айтиб ўтилди. Семинар-машғулот қатнашчилари икки кун давомида халқимизни мазкур муаммо, хавф билан таништириш учун қилинадиган асосий ишлар, шунингдек, одам савдоси қурбонларини ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ҳимоялаш ва кўрсатиладиган ёрдамларни такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, "Камолот" ЁИҲ, республика "Маҳалла" жамғармаси масъуллари, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари қатнашган тадбирда ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги мутахассислари ҳамда "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари вакиллари иштирок этди.

Эътироф этиш керакки, ўтган йиллар мобайнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши туфайли республикамиз ҳудудига четдан ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг кириб келишининг олди олинди.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам муҳокама қилинди.

Абдулазиз РУСТАМОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бангладешда табиий офат

Бангладеш қирғоқларида рўй берган кучли довул оқибатида ўн бешга яқин киши қурбон бўлди, уч юз нафардан ортиқ киши жароҳатланди.

Шунингдек, 10 та балиқ овловчи кема 50 нафар экипаж аъзоси билан очиқ денгизда қолиб кетди.

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги мамлакат ҳукумати маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, табиий офат минглаб аҳоли тураржойлари, экин майдонлари ҳамда транспорт йўлларига жиддий зарар етказган.

Иш ўринларини қисқартиришмоқчи

АҚШнинг нуфузли нашрларидан бири — "Los Angeles Times" газетаси ходимлари сонини 75 тага қисқартирмоқчи, дейилади "Associated Press" ахборотида.

Таҳририятнинг бундай қарорга келишига мамлакатда кузатилаётган иқтисодий инқироз сабаб бўлган. Ҳозирча иш ўринлари қайси ходимлар ҳисобига камайтирилиши ҳақида аниқ гап айтилмаган.

Автобус ҳалокатга учради

Боливиянинг жанубидаги тоғли йўлда автобус ҳалокатга учради.

Мамлакатнинг «Erbol» радиоси тарқатган хабарга қараганда, бахтсиз ҳодиса оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмган, 50 киши тан жароҳати олган. Жароҳатланганларнинг аксарияти оғир аҳволда. Манбада келтирилишича, автобуснинг фожиага учрашига йўлнинг шу қисми қалин туман билан қопланган сабаб бўлган.

Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

«Фаина» ҳамон гаровда

Сомалилик қароқчилар томонидан гаровга олинган Украинага тегишли «Фаина» кемаси тақдири ҳамон мавҳумлигича қолмоқда.

Қароқчилар агар талаблари бажарилмаса, кеманинг барча экипаж аъзосини ўлдириб, уни йўқ қилиб юборишларини айтишган.

Маълумки, «Фаина» жорий йилнинг 25 сентябрь куни гаровга олинганди. Босқинчилар дастлаб уни озод қилиш эвазига катта миқдорда пул талаб қилишганди. Кейин эса хорижий оммавий ахборот воситаларида кема қуролярог эвазига қайтарилиши тўғрисида маълумотлар тарқатилди. Бироқ ҳозирга қадар бу талаблар бажарилгани йўқ.

Эслатиб ўтамиз, «Фаина» бортида Украинада ишлаб чиқарилган «Т-72» танклари ва унинг эҳтиёт қисмлари бор. Айрим манбаларда ушбу ҳарбий техникалар Кенияга жўнатилгани келтириб ўтилган бўлса, бошқа маълумотларда улар Сурияга олиб кетилаётгани айтилган.

Олти эгизак туғилди

Нью-Йорк шаҳридаги «Маунт Синаи» шифохонасида олти нафар эгизак дунёга келди.

«New York Daily News» газетасининг ёзишича, чақалоқлар олтинчи октябрь куни туғилган бўлишса-да, шу пайтгача бу сир тутиб келинган. Гўдакларнинг энг оғир вазни 900 грамм бўлса, энг енгилиниги 680 граммдан иборат. Шу боис уларнинг ота-онаси чақалоқлар ўзини тутиб олгунича буни оммага ошкор қилмасликни лозим топишган. Эгизакларнинг отаси Виктор Карпио фарзандларининг тўрттаси ўғил ва иккитаси қиз бола эканини маълум қилди. Тиббиёт муассасаси вакили қизалоқлардан бирида юрак нуқсони мавжудлигини таъкидлаган. Айтиш жоизки, бундай ҳолат Нью-Йоркда иккинчи бор кузатилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Бу соҳага хизмат кўрсатаётган «Микрокредитбанк» тармоқлари эса бутун республикамиз ҳудудларини тобора кенгроқ қамраб олаяпти. Унинг низом жамғармаси 2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 78,1 миллиард сўмдан иборат. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес субъектларига кўрсатган микромолиявий хизматлар миқдори 107,7 миллиард сўмга етди.

MIKROKREDITBANK

ТАДБИРКОРЛИККА — МИКРОСАРМОЯЛАР

«Микрокредитбанк»нинг Бойсун, Тахтакўпир, Бахмал туманлари ва Ширин шаҳрида фаолият юритаётган агентликлари кичик бизнес субъектларига, қишлоқ аҳолисига сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатишни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мини банкка айлантирилди. Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида ҳам мини банк ўз фаолиятини бошлади. Самарқанд ва Наманган вилоятларида фаолият юритаётган Жума, Косонсой ва Чортоқ мини банклари филиалига айлантирилди. Бугунги кунда банкнинг филиаллари сони 78 тани ва мини банклари сони 272 тани ташкил этмоқда. Филиаллар томонидан 126 мингдан зиёд мижозларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

«Микрокредитбанк» мижозларидан бири — Салтанат Юсупова асли андижонлик. У сурхондарёлик ҳуқуқшунос Чориёр ака Оллоёров билан турмуш қуриб, вақтинча-жували бўлишган. Серғайрат Салтанат опа ўқитувчиликдан пенсияга чиққанидан кейин уйда ўтиришга кўниколмади. У атласу адрас тўқишни болалигидан билар эди. Бугун бу тадбиркор раҳбарлик қилаётган «Мафтуна — Одилжон — Нодира» кичик корхонасида адрас Сурхон воҳасида ишлаб чиқарилмоқда. Айни кунларда кичик корхонанинг тўқув цехида тадбиркорнинг ўн нафар шогирди, чевар қизлар меҳнат қиляпти.

— Тўқув цехимизда олтита дастгоҳ ёрдамида кунига 50 метр адрас тўқилмоқда, — дейди Салтанат опа Юсупова. — Улар рангларининг жозибадорлиги, сифатининг яхшилиги ва арзонлиги туфайли қўлма-қўл бўлиб кетаяпти. Муҳими, Сурхондарёда ана шундай газламага эҳтиёж бор экан. Шу боис бошлаган ишимизнинг келажагига ишонч пайдо бўлди. Галдаги вазифамиз, табиийки, ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат.

Эътибор қилинг: ўз ўрни ва мухлисларини топган, яхшигина келажаги кўзга ташланиб турган ва 10 та янги иш ўрнини яратган ушбу тадбиркорлик субъекти «Микрокредитбанк»дан берилган атиги 7 миллион сўмлик микросармоя эвазига ташкил этилган эди.

Банкдан олинган микросармоялар турли эҳтиёж ва мақсадлар учун ишлатилмоқда. Хусусан, Тўрақўрғондаги «Сарвиноз Саодат» фермер хўжалигига иссиқхона қуриш учун 9 миллион сўм микрокредит берилган эди. Хўжалик бугунги кунда йилнинг барча фаслларида аҳолини янги узилган мева ва сабзавотлар билан таъминлаш борасида эътиборга сазовор ишларни амалга оширмоқда.

Денов шаҳрида ташландиқ майдончада ташкил этилган «Биносоз Уста Олим» масъулияти чекланган жамиятида қурилиш материаллари билан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарила бошланди. 5 миллион сўмлик микрокредит ҳисобига тайёрланаётган турли рангдаги тунука томёпқич, оқ тунука шифер ва шпаклёвканинг бозори чаққон. Шунингдек, жамиятда ишлаб чиқарилаётган челаклар, карнизлар ва белкуракларга талаб катта. Ҳозир бу корхонада дастлабки босқичда 10 иш ўрни яратилди.

Навоий вилояти Нурота туманидаги «Тўмарис» фермер хўжалиги раҳбари Фотима Ниғматова банк кредити ҳисобидан чорвачилик, деҳқончиликни йўлга қўйиш билан биргаликда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этди. Шу туманлик Дилором Эшова эса банкдан микрокредит олиб, Нурота каштачилиги довруғини таратишга ҳаракат қилмоқда.

«Микрокредитбанк»нинг бошқа банклардан фарқи шундаки, у ҳар бир маҳаллага, оилага кириб боради ва юртдошларимизга кўнглидаги орзу-истаклари, билим ва маҳорати, ҳунарини амалга оширишга ўзининг кичик ҳажмдаги сармоялари билан ёрдам беради. Кичик сармоялардан катта тадбиркорлик ишлари бошланиб кетади. Шу боис банк асосий эътиборни мамлакатимизнинг узоқ қишлоқлари ва туманларига қаратмоқда. Шундай қилиб, банк Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш бўйича белгиланган вазифани бажаришга сидқидилдан ўз ҳиссасини қўшмоқда.

2008 йилда «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни микромолиявий хизматлар билан таъминлаш борасидаги ишлар махсус дастур асосида ташкил этилди. Унга асосан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида тадбиркорлик субъектларига 34,1 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган эди. Ушбу кўрсаткич ҳақиқатда 42,9 миллиард сўмга етиб, дастур талаблари 126,1 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойи билан солиштирилганда, кўрсатилган микромолиявий хизматлар кўлами 154,3 фоизга ўсганлиги маълум бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Микрокредитбанк»нинг хотин-қиз тадбиркорлар билан ҳамкорлиги яхши самаралар бераяпти. Ташкил этилаётган кўплаб гўзаллик, чеварлик салонлари, модалар ателъелари, қандолатчилик ва гиламдўзлик цехлари ибратли фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 10,3 миллиард сўм миқдорида микрокредит ажратилди, дастурда белгиланган 9 ойлик прогноз кўрсаткичи 112,6 фоизга бажарилди ва 12.029 та иш ўрни яратилди.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида «Тадбиркор хотин-қизларга — «Микрокредитбанк» сармоялари!» мавзуида бўлиб ўтган кўргазмали семинар аёлларнинг ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасини тиришга йўналтирилаяпти. Айниқса, янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига кўрсатилаётган имтиёзли микролизинг хизматлари уларнинг ўз техникаларига эга бўлиш имкониятларини яратмоқда. Соҳага ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига қишлоқ жойларда 45.118 та иш ўрни ташкил этилди.

Республикамизда, хусусан, узоқ қишлоқ жойларда аҳолига замонавий ва сифатли сервис хизмати турларини кенгайтириш учун шу йилнинг ўзида 6,0 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам «Микрокредитбанк» ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 6.661 ёш оилага 11,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу жараёнда асосий саъй-ҳаракатлар оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали рўзғорнинг доимий даромад манбаини яратишга қаратилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 3 610 ёш оилага 6,2 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди. Шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 341 ёш оилага 4,7 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари тақдим этилди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўртасида ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларга ташкилий ва микромолиявий кўмак бериш ҳамда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» қўшма лойиҳасини амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун келишув имзоланди. Унга кўра, «Камолот» аъзоларига тадбиркорликни ташкил этиш бўйича семинарлар ташкил этилди ва кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатилди. Жумладан, микрокредитлар ажратиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш, бизнес-режалар тузиш борасида амалий кўмак берилди. Қўшма лойиҳанинг якунловчи босқичи ғолибларига банкнинг имтиёзли бошланғич сармоялари ажратилмоқда. Ушбу микрокредитларнинг фоизлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўланди.

Ёшларни ишлаб чиқариш фаолиятига янада кўпроқ жалб этиш мақсадида «Микрокредитбанк» «Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» кўрик-танловини ўтказди. Кўрик-танловнинг республика босқичида «Энг чекка қишлоқдаги тадбиркор томонидан тақдим этилган лойиҳа», «Энг ёш тадбиркор аёл томонидан тақдим этилган лойиҳа», «Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Талабаларни тадбиркорликка жалб этиш тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг энг чекка туманларида ҳам ўтказилиб, 60 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи талабаларига имтиёзли сертификатлар топширилди. Сирдарё вилоятида ўтказилган тадбирда Гулистон шаҳар компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежининг 20 нафар битирувчи ёшларига бошланғич сармоясини шакллантириш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим этилди. Худди шундай тадбир Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда тарбияланган, бугунги кунда Урганч тумани саноат ҳамда маиший хизмат касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан 7 нафар ёшга компьютер хизматини йўлга қўйиш, гўзаллик салони, тикувчилик ҳамда «Paynet» хизматларини ташкил этиш учун банкнинг имтиёзли бошланғич сармоясидан фойдаланиш бўйича сертификатлар топширилди.

«Ёшлар йили» давлат дастури ижроси юзасидан 1133 нафар коллеж битирувчисига имтиёзли равишда ажратилган микрокредитлар миқдори 1,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки билан тадбиркорларнинг ҳамкорлиги юртимиз ободлиги, оилаларимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Айни кунларда банк жамоаси аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари кўрсатишни кенгайтириш ва такомиллаштириш, шунингдек, йил охирига қадар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини 60 миллиард сўмга етказиш ва 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш режаларини амалга ошириш мақсадида астойдил иш олиб бормоқда.

«Микрокредитбанк» матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантура ва докторантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:

08.00.01 – Иқтисодий назария
08.00.02 – Макроиқтисодиёт
08.00.06 – Эконометрика ва статистика
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит
08.00.13 – Менежмент ва маркетинг
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит (докторантура)

Керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- иш жойидан тавсифнома-тавсиянома;
- ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлар ва ихтиролар эълон қилинмаган бўлса);
- диплом ва баҳоларнинг тасдиқланган нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва нусхалари;
- тиббий маълумотнома (086-шакл);
- 4х6 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади;
- аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш баённомасидан кўчирма (олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса).

Ҳужжатлар 2008 йил 10 ноябргача қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй, аспирантура ва докторантура бўлими.

Телефонлар: 234-76-31, 234-55-38.

Тадбир

Солиқчилар мулоқоти

Самарқандда Халқаро молия корпорацияси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг "Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти"ни ривожлантириш дастурининг лойиҳаси ва Ўзбекистон Бизнес фанлари ўқитувчилари ассоциацияси ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар, солиқларни ҳисоблаш масалалари ҳамда соддалаштирилган солиққа тортиш тизими хусусида сўз юритилди. Солиқ амалиётида янги ёндашувларни қўллаш, камерал назорат, молиявий ҳамда солиқ ҳисоботлари таҳлилини амалга ошириш бўйича атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, йиғин иштирокчилари солиқ органларининг судларга бериладиган даъво аризаларини расмийлаштириш жараёнлари ҳамда хўжалик ва фуқаролик ишларини юритиш ишлари билан танишдилар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъёмность 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъёма гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 14 т
- максимальная высота подъёма – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 16 т
- максимальная высота подъёма – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъёмность – 25 т
- максимальная высота подъёма – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси катта ўқитувчиси Мамат Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси

САЛИМА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси институт хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулбаҳор Пўлатовага падари бузруквори

ФОТИҲЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Тошкент” ҳайвонот боғи — нафақат болалар, балки жониворларга меҳри баланд инсонларнинг ҳам энг севимли маскани. 23 гектар майдонни эгаллаган мазкур боғда 5 минг бош ҳайвон ва қушларнинг ноёб турлари парваришланади.

У 1924 йилда биолог олимларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Дунё стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган ҳақиқий ҳайвонот боғига эса истиқлол йилларида бевосита Президентимиз ташаббуси ва раҳномалигида асос солинди. Унинг тантанали очилиш маросими 1997 йили, Мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтди.

Ҳайрат боғига саёҳат

Бу ерда ўша йили ҳайвонларнинг 85 тури мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг тури 440 тадан ошиб кетди. Ўтган давр ичида Африка, Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё, Австралиянинг ноёб ҳайвонлари билан тўлдирилди. Осиё филлари, карлик бегемот, гипопотам, пума, Амур йўлбарси, шунингдек, қуш ва балиқларнинг кўплаб турлари шулар жумласидандир.

Очиғини айтиш керак, бундай қимматбаҳо жониворлар ўз-ўзидан олиб келинавермайди. Бу мураккаб ва ўта нозик иш ноёб ҳайвонларни сотиш, олиш, алмаштиришни тартибга солувчи Нью-Йорк конвенцияси талаблари асосида амалга оширилади. Фақат бир шарти бор: ҳайвонот боғи дунё стандартларига тўла мос келиши керак. Яъни, қафаслардан имкон қадар фойдаланмаслик, ҳайвонларнинг яшаши учун мос шарт-шароит яратиш, парваришга масъул етук мутахассисларга эга бўлиш...

— Бу борада бизда муаммо йўқ, — дейди боғ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, биология фанлари номзоди Азиз Ирисметов. — Жониворлар парвариши учун яратиб берилган шарт-шароит биз билан ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Масалан, Малайзиядан бир жуфт Осиё филини

Жараён

келтирганмиз. Бу кўплаб ҳайвонот боғлари учун орзу ҳисобланади.

Юртимиз ҳайвонот боғи тарихида 3 бор фил боқилган. Демак, парваришида муаммо йўқ. Ҳамма гап унинг яшаш шароитини муҳайё қилишда қолган эди. Чунки бу жонивор учун саҳни 80 квадрат метрлик, баландлиги 6 метрлик махсус қишки хона, 100 квадрат метрдан кам бўлмаган ёзги майдон, сайр қиладиган йўлаклар, сув ҳавзаси мавжуд бўлиши талаб этилади. Малайзиялик мутахассислар Тошкентда шундай шароит мавжудлигини кўриб, ишонч ҳосил қилишгач, бир жуфт филни Ўзбекистонга бепул жўнатишди. Ваҳоланки, бир бош филнинг ўртача баҳоси 50-100 минг АҚШ долларига тенг. Бунга ҳам 7 йил бўлди. Филлар ҳозир 10 ёшга тўлди.

Мутахассисларнинг айтишича, дунё ҳайвонот боғларининг ютуқлари боқилаётган жониворларнинг сони ёки турининг кўплиги билан белгиланмайди. Энг асосий мезон — ҳайвонлардан насл олишга эришиш. Негаки, тутқунликдаги ҳайвонларга табиий шароитга мос муҳит яратилмаса, улар кўпаймаслиги мумкин.

Биз “Тошкент” ҳайвонот боғи жамоасининг йиртқич қушларни кўпайтириш борасидаги изланишлари билан ҳам қизиқдик.

— Сизга битта мисол айтаман, — дейди суҳбатдошимиз. — Дунё бўйича учта давлат — АҚШ, Германия ва Ўзбекистонда «Анд кондори”дан ҳақиқий зурриёд олинади. Ҳақиқий дейишимнинг сабаби шуки, мазкур давлатлардаги ҳайвонот боғларида қушларнинг ўзи тухум босиб, полопон очади. Бундан ташқари, бургут, қора тасқара, қумай, оқ бошли сип, укки, болтаютар сингари ноёб қушлардан, Африка тоғ эчкиси, бурама шохли эчки, Амур йўлбарси, кенгуру, маймунларнинг кўплаб турларидан ҳам зурриёд олинди. Боғимиз мана шу жиҳати билан ҳам дунёда тан олинган.

> ...Ана, болаларнинг шўх-шодон қийқириғи боғнинг чор-атрофини тутиб кетди. Бунинг сабаби бор, албатта. Улар китоб ва телевизор орқали билган жониворларни ўз кўзлари билан кўриб, ҳайратини сира яшира олишмаяпти.
>
> **Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ёдгорлик



“Қорақизсой”

Табиат — бемисл ижодкор. Унинг такрорланмас “асар”лари олдида инсон ҳамиша ҳайратга тушиб келган. Борлиқнинг юксак маҳоратини ифодалаб турувчи бундай манзаралар она заминимизда истаганча топилади. Шулардан бири “Қорақизсой” воҳасидир.

“Қорақизсой” — Угам тоғ тизмасининг сўлим гўшаларидан бири. У денгиз сатҳидан 2400-2500 метр баландликда жойлашган бўлиб, майдони 35-38 километрни ташкил қилади. Сой кўплаб ирмоқлардан иборат. Улардан оққан сув тошдан-тошга урилиб, Пском дарёсига келиб қуйилади. Сувнинг ҳарорати мўътадил: ёз кунларида 7-10 даражадан ошмайди.

“Қорақизсой” воҳаси географик жойлашувига кўра, “Боғолма”, “Кампирқуш”, “Мирзаёқубунгур”, “Арзонкор”, “Хона”, “Парда”, “Қамишкапа” каби қисмларга бўлинади. Бу ҳудудларда кўплаб булоқ ва шаршараларни учратиш мумкин. Шу билан бирга, бетакрор табиат манзаралари, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жар ва унгурлари билан алоҳида ажралиб туради. Воҳада ўрмонзорлар ҳам талайгина. Уларда Зарафшон арчаси, оққайин, ёввойи олма, тоғолча, қора зирк, наъматак, ёввойи нок, Федченко наъматаги, тобулғи каби дарахтлар ўсади. Ёввойи чўчқа, бўри, қоплон, оқ тирноқли Тяньшан қўнғир айиғи, Туркистон силовсини, болтаютар, бўрсиқ ва тулкилар ҳам яшайди. Шунинг учун саёҳатчилар “Угам-Чотқол” қўриқхонасининг вакиллари ҳамроҳлигида сайрга чиқишади.

Дарҳақиқат, “Қорақизсой” — табиатнинг инсонларга аталган ноёб ёдгорлиги. Уни асл ҳолича сақлаш мақсадида Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда “Угам-Чотқол” миллий боғи мутахассислари хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, улар воҳанинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраб, кўпайтирмоқдалар.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Мулоҳаза

Бундан уч-тўрт йил муқаддам томорқамизга гуллар, манзарали ва мевали дарахт кўчатларини ўтқаздик. Бироқ, негадир, ниҳоллар яхши ҳосил бермайдиган чиқди. Гуллар ҳам нимжон, ҳатто бўй таратмайди. Кейин билсак, бу ерда аввалари муттасил хазон ёқилар, тупроқнинг унумдорлиги пасайиши боиси шундан экан. Эсиз, ўша хазонлар бу ерда куйдирилмай, ерга кўмилганида тупроққа зарар етмаган, аксинча, ернинг унумдорлиги ортган бўларди.

БИЛА ТУРИБ, ЗАҲАР ЮТМАНГ!

— Хазонлар тупроққа аралаштирилиб ағдарилса, ернинг унумдорлиги ошади, — дейди биолог-агроном Ҳалим Олимов. — Натижада тупроқ ғовакланиб, майин тортади. Сўнг у кислородга тўйинади ва таркибида минераллар алмашинуви яхшиланади. Шу боис хазонни ёқиш эмас, аксинча, унга ер бағридан жой бериш керак. Бу билан биз табиат мувозанатини асрашга ҳисса қўшган бўламиз.

Хазон ёқишнинг бошқа бир зарари ҳам борки, у ер қолиб, ҳавони ҳам аёвсиз заҳарлайди. Бу барчага аён, бироқ айримлар куз фаслида йиғилиб қолган хазонларни ёқиб, тутун бурқситишдан ҳечам хижолат чекмайдилар. Ваҳоланки, ёқилган хазон тутуни инсон саломатлигига жиддий зарар етказади. Чунки хазон тутуни нафас йўли касалликларини келтириб чиқарувчи сабаблардан биридир. Бундан ташқари, у гипертония, юрак-қон-томир хасталикларининг авж олишига олиб келади. Хазон тутунига тўлган ҳаводан нафас олиш сурункали давом этса, бу кўзнинг шиллиқ пардасига ҳам зиён етказади. Бунинг боиси шундаки, дарахт барглари баҳордан то кузга қадар ҳавога тарқалган жамики заҳарли газларни ўзига сингдиради. Ёқилган хазон тутуни туфайли ана шу газлар ҳавода кислород танқислигини келтириб чиқаради ва карбонат ангидрид миқдори кескин ортади.

Тўғри, бу мавзуда биринчи бор мушоҳада юритилаётгани йўқ. «Ойнаи жаҳон» орқали, қолаверса, матбуотда хазон ёқишнинг зарари хусусида такрор-такрор айтилмоқда, мутахассислар фикр билдирмоқдалар. Аммо ҳозирча бунинг ижобий таъсири сезилмаяпти. Айниқса, пойтахтимизнинг Чилонзор, Ҳамза, Мирзо Улуғбек туманларида жойлашган маҳаллалар аҳли била туриб ножоиз ишга жазм этмоқдалар. Бу ҳаракатлари билан ўз саломатликлари қолиб, ўзгаларнинг ҳам соғлиғига зарар етказаётган баъзи кимсаларни жамоатчилик ўртага олиб дашном берса, бу борада маҳаллалар фаоллик кўрсатса, айбдорларни тегишли тартибда жазолаш масаласи кўриб чиқилса, эҳтимол, бундай номаъқулчиликларнинг олди олинар?..

Дилфуза БОЗОРОВА, шифокор.

ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

Қоратоғ этакларида “Нурота” чашмаси бор. Табиат бу мўъжизани яратган-у, уни ёмон кўзлардан сақлаш учун тоғ тизмалари билан ўраб, булоқни табиий аквариумга айлантирган гўё.

«Нур булоғи»нинг сири нимада?

— Чашма суви юзлаб чақирим ер ости йўлаклари орқали тиниб-тиниқиб, секундига 290-300 литр миқдорида қайнаб чиқади, — дейди Нурота табиий меъморий мажмуасининг саёҳатбони Карроматулла Баҳриддинов. — Қизиқ жиҳати шундаки, сувнинг ҳарорати қишин-ёзин ўзгармайди: 19,5 даражани ташкил этади.

1920 йилда рус олими А. Димо ўз кузатув ва тажрибаларига асосланган ҳолда, бу сувнинг кимёвий таркибини биринчи бўлиб аниқлаган. Унинг таъкидлашича, бир литр сувда 278 грамм минерал туз мавжуд.

Геология-минералогия фанлари доктори Н. Кенисарин эса бу ҳақда шундай дейди:

— “Нарзан”, “Боржоми”, “Ессентуки” сингари кўплаб шифобахш минерал сувлар бор. Уларнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган бир қанча микроэлементлар ва кимёвий бирикмалар мавжуд. “Нурота” чашмасининг суви ҳам ана шундай хусусиятларга эга.

Мўъжиза

Маҳаллий аҳоли чашмани «Нур булоғи”, дейишади. Унинг сувида яшайдиган балиқларни муқаддас санашади. Фанда “маринка”, аҳоли ўртасида “ширмоҳи” деб аталадиган бу жонзотлар танасида фосфор миқдорининг кўплиги сабабли товланиб туради. Бобокалонларимиз уларни истеъмол қилишни ман этишган. Нега деганда, улар ана шу ер ости сув йўлаклари кўзларини лойқа ва қумдан тозалаб туради.

“Нур булоғи” кишиларни азалдан ўзига жалб этиб келган. Эрталаб офтоб нури таъсирида чашма узра беҳисоб сержило нурлар тарала бошлайди. Сув юзига кўтарилган балиқлар эса “ракс”га тушиб, бу зиёни янада ёғдулантириб юборади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Тоғ зираги»

Шифобахш неъматлар

Шохларини тилларанг тусдаги мевалари сиргалардек безаб турган дўлана кишининг эътиборини тортмай қолмайди. Шунинг учун бўлса керак, уни “тоғ зираги” ҳам дейишади.

Дўлана меваси шифобахш хусусиятларга эгалиги қадимдан маълум бўлиб, кишига қувват бағишлайди, ичак ва жигар фаолиятини яхшилайди, иштаҳани очади, семиришга мойиллик яратади. Халқ табобатида у силла қуриганда, толиққанда, ақлий ҳорғинликда, уйқусизликда, юракда оғриқ турганда даво воситаси сифатида қўлланилади. Дўлана ични қотириш учун ҳам тавсия этилади.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, шунингдек, дўлана четанга нисбатан ошловчи хусусиятига эга, сафрони босади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос олим.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» БОЙИМОҚДА

Табиат бойликларига эътиборсизлик қилиб бўлмайди. Унинг ҳар бир зарраси нафақат бугунги, балки эртанги авлоднинг ҳам бойлигидир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида 4500 га яқин ёввойи ўсимлик ҳамда 200 дан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Шунингдек, жиддий муҳофаза талаб этадиган камёб, эндем ва реликт турлари ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 та бўлиб, Ўзбекистон набототининг 10-12 фоизини ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика Фанлар академиясининг “Ботаника” илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари билан ҳамкорликда уларни кўлайтириш устида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Бу ўз самарасини бераётир.

Кузатишларнинг кўрсатишича, кейинги йилларда айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони кенгайган. “Анзур” ва “Суворов” пиёзлари шулар жумласидан. Энг камёб ўсимликлардан саналган “Минквиц тезиуми”нинг тури 7 тадан 17 тага етди. Қурама тизмасида “Коровин ширачи”нинг аниқланиши эса, Ўзбекистон ўсимликлари дунёсида катта воқеа бўлди.

Бироқ шунга қарамай, изланишлар жараёнида ўлкамиз яшил оламидан яна 138 ўсимлик турини “Қизил китоб”га киритиш лозимлигини кўрсатди. Қолаверса, йўқолиб кетиш хавфи остида турган 305 турдаги ўсимлик “Қизил китоб”нинг 2006 йилги нашрига киритилган бўлиб, уларнинг тақдири билан соҳа мутахассислари муттасил шуғулланиб келишмоқда.

Табиий хилма-хиллик нафақат теварак-атроф гўзаллиги, балки инсон саломатлигининг гаровидир. Шундай экан, ҳар бир киши ўсимликлар дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши даркор.

И. ХУШВАҚТОВ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи ўринбосари.

БИРИНЧИ ҚЎРИҚХОНА

Халқимизда ерга ниҳол қадаб, боғ яратиш, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш азалий одат саналади. Шу боис ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Биласизми?

Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳижрий 433, милодий 1004 йили Фарғона водийсининг Исфара вилояти ҳукмдори, қорахонийлардан бўлмиш Мўъизуддавал Абул Фазл Аббос Арслон Тачин дунёда биринчи бўлиб расмий давлат қўриқхонасига асос солган, бу ҳақда махсус фармон чиқариб, уни тошга ўйиб ёзиб қўйган экан. Бу жой ҳозирги Исфаранинг Ворух қишлоғи ҳудудига тўғри келади. Ваҳоланки, Европада бундай хатти-ҳаракатлар XVIII-XIX асрларда бошланган.

Буни қарангки, кейинги даврда камёб ўсимлик ва ҳайвон турларини асраш ва уларни кўпайтиришга мўлжалланган қўриқхоналар ҳам Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда ташкил этилган. Бу 1928 йили фаолиятини бошлаган “Зомин” тоғ арчазорлари давлат қўриқхонасидир. Унинг умумий майдони 26848 гектарни ташкил этади. Унда ҳайвонларнинг 152, ўсимликларнинг 700 тури рўйхатга олинган. Эътиборлиси, қўриқхона ҳудудида “Қизил китоб”га киритилган жониворларнинг 16, ўсимликларнинг 13 турини учратиш мумкин. Марказий Осиёдаги энг қалин арчазор ҳам шу ерда. Бундан ташқари, 400 дан ортиқ турдаги фойдали гиёҳлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида қўриқхонамиз илмий тадқиқотчилар ва табиат шайдоларининг севимли масканига айланди. Қўриқхонанинг ҳайвонот ва наботот дунёси эса тобора бойиб бораётир.

Умарқул РАҲМОНҚУЛОВ, “Зомин” тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, биология фанлари доктори.

Ўқинг, қизиқ!

Контопар гиёҳлар

“Геоботаника” деб юритилувчи фан ер қаърининг сир-асроридан кишиларни воқиф қилиб туради. Масалан, чиннигул — мис ва олтин маъданларининг даракчиси.

Индонезияда эса антиқа бир ўсимлик бўлиб, у никель конлари устида ўсади. Таркибида 10 фоизгача никель сақлайди. Бошқача айтганда, ўсимликнинг бир тонна гулидан 100 килограмм атрофида никель олиш мумкин.

Компас ўсимлиги

Наботот ошуфталари ўтган асрнинг охирларида Америка қитъасида бир гиёҳнинг ажойиб хусусиятига дуч келдилар. Яъни, бу ўсимликнинг япроқлари қурамиз меридиан чизиғи йўналиши бўйлаб жойлашган эди. Кейинчалик немис ботаниги Сталь мазкур компас ўсимлигини Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳам учратди. Бу ҳаммамизга таниш бўлган жайдари қоҳу экан. Ҳозирда ҳам сафарда юрганлар қоҳуга қараб, қибла тарафни қийналмай билиб оладилар.

Салмоғи филча бор

Америка қитъасидаги маҳаллий аҳоли “тагуа” деб атайдиган дарахт ёнғоқларининг ҳар бири ўн килограммгача тош босади. Энг қизиғи, меванинг ичи бир неча ҳужрачалардан иборат бўлиб, унда ўнтача уруғ мавжуд. Мана шу уруғлардан жилодор болдоқ, зирак, бўйиншода ва тугмалар тайёрланади. Бундай зеби-зийнатлар ўзининг мустаҳкамлиги ва жозибадорлигига кўра, фил суяги билан бемалол рақобатлаша олади. Шунинг учун бўлса керак, мазкур дарахтни “Фил суяк-пальма” деб ҳам аташади.

Маруланинг меваси

Африка қитъасининг жанубида ўсувчи “марула” дарахтининг меваларини еган ҳайвон ва паррандалар гангиб қолади. Соҳа мутахассислари узоқ ўрганишдан сўнг бунинг сабабини топдилар. Аниқланишича, мевалар таркибида сармаст этувчи модда кўп экан.

«Сейба» момиғи

Африка ва Америка қитъаларининг тропик ҳудудларида “сейба” дарахти ўсади. Бўйи ўн қаватли уйча келадиган бу дарахтнинг гуллари жуда жозибали. Ажабланарлиси, бир вақтнинг ўзида “сейба”нинг барги тўкилган, ё қуюқ баргларга бурканган, гуллаган ва мевалари пишган бўлади. Ҳандалакдек келадиган меванинг ичи момиқ билан тўлган бўлиб, канадек жигарранг уруғлари бор. Етилиб пишган мевалар эса шойи сифат момиқларини ажратиб ташлайди. Ушбу момиқдан ёстиқ ва тагликлар тайёрлаш мумкин.

Доно ХЎЖАЕВА тўплади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 7